

Х.ДАМИНОВ, Д.ЭРМАТОВ, Р.БОБОҚУЛОВ

ЁЗ – 2014

**ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИДА БАДИЙ ИЖОДИЁТ
ЙЎНАЛИШИДАГИ ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2014



Ушбу қўлланма стационар (шаҳардан ташқари) ва кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари тўғарак раҳбарлари ва тарбиячилари фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Муаллифлар: **Х.Даминов** – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи.

Д.Эрматов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири.

Р.Бобоқулов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари.

Такризчилар: **З.Товбоев** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори

Б.Аминов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси етакчи мутахассиси.

О.Наржигитов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Мониторинг ва маданий - оммавий тадбирларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари.

Мазкур қўлланма Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2014 йил 15 февралдаги 1 - сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.



КИРИШ

Бугунги кунда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар орасида салбий иллатларнинг тарқалиши, жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, болаларнинг маънавий оламини бойитиш, уларнинг иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидандир.

Маънавий ва жисмоний ёш авлодни вояга етказиш масаласи бугунги кунда давлатимиз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги куннинг ўта муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгач, ҳар соҳада бўлгани каби, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, ёш истеъдод эгаларига бўлган муносабат ҳам ўзгарди, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятларини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишга йўналтириш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ижодий изланишлар олиб боришлари учун шароитлар яратиб бериш, кенг жамоатчилик ҳамда педагогларнинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Мактабларда ўқув жараёни поёнига етиб ёзги таътил эшик қоқиб келмоқда. Фарзандлари мактабда таҳсил оладиган ота-оналар олдида мураккаб саволлар пайдо бўлади: “Ёзги мавсумда фарзандимни қаерга жойлаштирсам бўлади?”, “Қандай қилсам, фарзандим ёз мавсумини мароқли ўтказди?”.

Албатта бу саволларга фақатгина бу соҳада тажрибага эга, оромгоҳларнинг бугунги кундан хабардор инсонларгина жавоб бера олади.

Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилиятини ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш ўта муҳим вазифаларни талаб этади.

Шундай экан, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бир қатор ижобий ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун оромгоҳ фаолиятини режалаштиришда барча педагогик жамоа иштирок этиши шарт, яъни оромгоҳ анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли байрам, адабий кечалар ўтказиш ва уларни режаларини тузиш билан тўлдирилади.



Мазкур услубий қўлланма боланинг ёзги мавсумдаги ҳаётини бойитиш ва таътилни самарали ташкил этишда катта ёрдам беради деган умиддамиз.

Оромгоҳларда гуруҳларни номлаш

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида гуруҳларни қуйидаги номлар билан номлаш мумкин: “Дўстлик”, “Шунқорлар”, “Билимдонлар”, “Ширинтойлар”, “Ёшлик”, “Бахтли болалар”, “Ҳумо”, “Тенгдош”, “Умид учқунлари”, “Нурли келажак ёшлари”.

Оромгоҳларда гуруҳлар учун ШИОРЛАР

1. “Биз келажак эгаларимиз”.
2. “Ёзги таътил бир йилга таътир”.
3. “Келажакка интилиб яшаймиз”
4. “Бизга ёрдир саодат, бизникидир келажак”.
5. “Осмонда қушлар қилганда парвоз, оромгоҳда дам оламиз соз!”
6. “Билим чўққилари сари самоларга парвоз қиламиз”.
7. “Биз соғломмиз-Ватан хизматиға тайёرمىз”.
8. “Соғлом бола-соғлом келажак”.

Мана орзиқиб кутган ёз фасли ҳам етиб келди. Кўчаларда тепасига “Диққат, болалар!” деб ёзиб қўйилган саёҳат автобусларини кўп учратамиз. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавсуми бошланди. Соғломлаштириш оромгоҳларига борадиган ҳар бир бола 12 кун давомида ҳаётида қандайдир кутилмаган қизиқ воқеалар билан тўла бўлишини ҳис қилади. Мактаб оромгоҳларидаги етакчи ва тарбиячилар иш режаларида кўпроқ масъулият сезишлари керак.

Шаҳар атрофида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида яшаётган болаларга бир оиланинг боласидек яшаш, ана шу 12 кун давомида етакчи ва тарбиячилар ота-она ўрнини босишлари керак. Оромгоҳда ўтказилаётган дамлар болаларнинг доимий хотираларидан унитилмайдиган воқеаларга бой бўлишлари керак.

Оромгоҳлар учун тузилган режа қизиқарли бўлиши, викторина, конкурс ва спорт мусобақалари каби қизиқарли ўйинлардан ташкил топиши керак.



Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказилиши тавсия этилаётган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш тартиби

Кунлар	Тадбирлар
1-кун	Салом, оромгоҳ-салом янги дўстларим! Оромгоҳ ходимлари ва болалар билан танишув.
2-кун	“Тилаклар гулдастаси”, “Дилкаш давра масканлари” байрам дастурини намойиш этиш.
3-кун	Ўзбек миллий халқ ўйинларини ташкил этиш.
4-кун	Табиат қўйнига саёҳат ва “Ёш муссавир” расм чизиш мусобақасини ўтказиш.
5-кун	“Энг яхши тақдирот маросими мавзусида танлов ташкил этиш.
6-кун	“Китоблар яхшиликка етаклар” мавзусида эртақлар ва болалар ёзувчиларининг асарлари бўйича ижодий мулоқотлар олиб бориш.
7-кун	“Соғлом турмуш тарзи – баркамол ёшларни камол топтириш гарови” мавзуси остида “Биз-гиёҳвандликка қаршимиз” мавзусида расмлар кўргазмасини ўтказиш
8-кун	Иқтидорли болалар беллашувини ташкил этиш
9-кун	“Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур!” шиори остида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш.
10-кун	Ўзбек миллий халқ ўйинларини ташкил этиш.
11-кун	“Бизнинг оромгоҳ-берган сабоқлар” танловини ўтказиш.
12-кун	“Хайр оромгоҳим, дам олиш масканим” хайрлашув йиғилишини ўтказиш ва кўргазма ташкил қилиш.

1. Салом, оромгоҳ-салом янги дўстларим!

Оромгоҳ ходимлари ва болалар билан танишув

Иштирокчиларни кутиб олиш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш. Ўқувчиларни оромгоҳнинг мақсади, ички тартиб-қоидалари билан таништириш. Оромгоҳ ходимлари билан танишишда танишув ўйинларини ташкил қилиш маъмурий. Бунда ҳар бир гуруҳ бош тарбиячи ва тарбиячиси турли хил ўйинлардан фойдаланиши мумкин.



Танишиш учун ўйинлар: Бу машқларнинг мақсади энгил ўйин шаклида иштирокчиларни бир-бири билан таништириш ва уларни бирга ишлашга тайёрлаш. Бу машқлар иштирокчиларга бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатишга ёрдам беради.

Қор ясаш (20 дақиқа):

Мақсад: Иштирокчилар исмини билиш ва эслаб қолиш.

Материаллар: талаб қилинмайди.

Ҳар бир иштирокчи ўзининг исмини айтади ва исмининг бош ҳарфи билан бошланадиган бирор сўз айтади. Иштирокчининг алоҳида хусусиятини таърифлаш муҳимдир. Шунга эътибор қаратиш керакки, таърифлар қайтарилмаслиги ва иштирокчилар бир-бирларига таърифларни айтиб турмасликлари лозим.

Машқ куйидагича ўтказилади: иштирокчи аввал ўзининг исмини айтади ва унга ўзини таништирган иштирокчининг, кейин ўзининг сифатини айтади. Кейинги иштирокчи иккита исм ва унинг икки сифатини, кейин ўзининг исмини айтиши керак ва ҳ.к. Охирги иштирокчи барча иштирокчиларнинг исми ва сифатларини давра бўйлаб айтиб чиқади.

Мисол: 1 – иштирокчи Ҳусниддин – донишманд, 2 – иштирокчи Ҳусниддин – донишманд, Азиза – қизиқувчан, 3 – иштирокчи Ҳусниддин – донишманд, Азиза – қизиувчан, Санжар – топқир ва ҳ.к.

Интервью (30 дақиқа):

Мақсад: бир-бири билан танишиш ва бошқаларни эшитишга ўрганиш.

Материаллар: талаб қилинмайди.

Гуруҳни жуфтларга бўлиш керак. Ҳар бир иштирокчи ёнида ўтирган кишига ўзи ҳақида гапириб бериши керак. Тингловчи, гапираётган одамнинг гапини бўлмасдан унинг ҳикоясини диққат билан эшитиши керак. Ҳикоя 5 дақиқадан ошмаслиги лозим. Бошловчи вақтни назорат қилиб боради. Барча диққат билан эшитишни ўргангандан кейин, гуруҳ бирга йиғилади. Ҳар бир иштирокчи ўзининг ҳамроҳини таништиради, эслаб қолганларини айтиб беради.

Копток (5 дақиқа):

Мақсад: Тренинг иштирокчилари исмини эслаб олиш ва гуруҳдаги безовталиқни тарқатиш.



Материаллар: коптокча.

Ҳамма иштирокчилар давра куриб турадилар. Бошловчи бирор иштирокчига копток отади, бунда у ўзини ва копток отган одамнинг исмини айтади. Ўйин иштирокчилари бир-бирларининг исmlарини қайта-қайта сўраб эслаб олгунларича ва коптокни тез-тез оширгунларича давом этади.

2. “Тилаклар гулдастаси”, “Дилкаш давра масканлари” байрам дастурини намоиш этиш.

“Тилаклар гулдастаси”. Оромгоҳ дам олувчилари рангли қоғозлардан ясалган гуллар (юракча, юлдузча, қушлар ва ҳ.к.)ларга ёзилган тассуротлари ва тилакларини ёзиб уни қоғоздан ясалган гулдастали сават (қути, стенд)ларга соладилар ёки ёпиштирадилар.

“Дилкаш давра масканлари”. Гуруҳ ўзига ёқадиган бирор жойни танлайди: оромгоҳ ҳудудидаги дам олиш хонаси ёки сув бўйидаги майдончада давра куриб ўтиради. Ҳамма оромгоҳда ўтадиган даврни қандай ўтказиш бўйича ўз тассуротини гапириб беради, биргаликда қўшиқ куйлашлари, бирон ўйин ўйнашлари, қизиқарли ҳангомаларни айтиб беришлари мумкин.

3. Ўзбек миллий халқ ўйинларини ташкил этиш.

Болаларнинг маънавий баркамол шахслар бўлиб вояга етишларида улар билан ўтказиладиган ўйинларнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари мавжуд. Ўйин болалар учун бирор эрмак ёки уларнинг дам олишини йўлга қўйиш воситаси сифатидагина эмас, балки жисмоний ва ахлоқий тарбиянинг муҳим воситаси сифатида катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Миллий халқ ўйинлари ўз табиатига кўра кўп қирралидир, у ҳар томонлама ривожланган комил инсонларни тарбиялайди. Ўйин жараёнида болалар жамоа бўлиб яшашга, уюшқоқликка, биргаликда меҳнат ва ижод қилишга ўрганадилар. Шунингдек, ўйин болалар орасидаги дўстлик, иноқлик, меҳрибонлик, меҳр-шавқатлилиқ ҳис - туйғуларини ривожлантиришда хизмат қилади.

Миллий халқ ўйинларни ўтказишда ўйин раҳбарларининг ташкилотчи ва тарбиячи сифатидаги вазифалари жуда маъсулиятлидир. Ўйин ташкилотчилари болалар учун ҳар тарафлама ижобий таъсир этувчи турли мавзулардаги ранг-баранг усуллардан фойдалана билишлари лозим.



Халқ ўйинлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар бола онгини ривожлантиради, маънавий озуқа беради, соғлом бўлиб ўсишларда яқиндан ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам ўйин ташкилотлари ўйинлардан тўғри фойдаланишда унга асосий масалага, яъни ўйинларнинг мавзуларини танлаш, уларни тайёрлаш ва ўтказишга жиддий ёндошишлари зарур. Чунки, яхши танланган ўйин болалардаги ижобий ҳислатларни шакллантиришда тарбиянинг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, ўйин ўтказилаётган пайтда болаларнинг фаол иштирок этишлари ҳам ўйин ташкилотчиларининг шу ўйинни қандай усул ва тартибда ўтказишларига, қай даражада тайёргарлик кўрганликлари ва маҳоратларига боғлиқдир.

Халқ ўйинларида ҳазил-мутойиба, қизиқарли беллашувлар, аниқ ҳаракатлар, кутилмаган қувноқ жараёнлар кўп учрайди. Хатто кўпчилик халқ ўйинлари халқ ижодиётининг маълум бир турига ўхшаб кетади. Сабаби, уларда халқ кўшиқлари, ялла-лапарлари, термалар, рақс усуллари синдирилган.

Болаларнинг жисмоний ҳамда ақлий фаолиятларни кенгайтиришда ўйиннинг турли усулларида фойдаланиш лозим. Булар ҳаракатли, дидактик-яъни, билим дораларини кенгайтиришга хизмат қилувчи ўйинлар ҳамда сахналаштирилган кичик ҳажмдаги ўйинлардир.

Ҳаракатли ўйинлар юриш, югуриш, сакраш, бирон нарсани иргитиш, улоқтириш каби болаларни жисмоний жиҳатдан соғлом ривожланишларига умумий иш қобилиятларининг янада мустаҳкамланишига ёрдам берувчи усуллардан таркиб топади.

Шунинг учун болаларга ҳаракат фаолиятининг турли шароитларида эркин ҳаракат қила олиш имкониятини берадиган зарур билимларни бериш ва уларда керакли ҳаракат малакаларини ҳосил қилиш лозим. Бундан ташқари, болаларни турли ўйинларга, жисмоний машқларга, шунингдек, кун тартибига риоя қилишга одатлантириш, мустақил равишга ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш маҳоратини эгаллашларига ёрдам беради.

Дидактик ўйинларнинг асосий мақсади болаларнинг топқирлигини оширишга, фикрлаш қобилиятларини ўстиришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам бу турдаги ўйинларни танлашда унинг ғоявий мазмунига, маънавий ва ахлоқий қийматига эътибор



бериш зарур. Дидактик ўйинларни танлашда болаларнинг ёши, уларнинг билим доирасини албатта инобатга олиш лозим.

Халқ ўйинларининг болалар ҳаётига кириб бориши учун ўйин ташкилотчилари ҳар бир ташкил этиладиган ўйиннинг мақсад ва вазифасига ижодий ёндошган ҳолда ўтказишлари зарур. Шунингдек, ўйин бошланишидан олдин болаларга ўйин мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш ҳамда уларнинг ўйин қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳаракатларни қай даражада бажаришларини кузатиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўйиндаги қоидаларга риоя қилиш – бу болалардаги ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини бошқариш, ўз фикрини аниқ баён этиш каби ижобий хислатларни тарбиялашда муҳим мактаб вазифасини ўтайди. Чунки, ўйин давомида болаларда шаклланган ташкилотчилик, изланувчанлик, ташаббускорлик, яратувчилик, ижодкорлик каби олийжаноб хислатлари, уларнинг мустақил ҳаётга кириб боришларида яқиндан ёрдам беради.

Шундай экан, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болалар дам олишини мароқли ташкил этиш учун миллий халқ ўйинларидан айримларини намуна қилиб келтирамиз.

“ЭПЧИЛ БОЛАЛАР” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни хушёр, сезгир бўлишга ва эпчил, чаққон ҳаракат қилишга одатлантиради.

Ўйиннинг тартиби: Майдонча томонларидан 3-4 қадам ораликда томонлар четига параллел чизиклар ўтказилади. Бошловчидан бошқа ҳамма ўйинчилар шу чизиклардан бирининг орқа томонида сафланиб турадилар. Бошловчи майдончанинг ўртасида чизиклар орасида туради. Ўйинчилар югуриб ўтиш пайтида бир-бирларини тўртмаслиги керак.

Югуриб чиққан ўйинчилар орқага қочишлари мумкин эмас.

Раҳбар “Уч, тўрт!” – деганидан кейин баргаликда шундай дейдилар:

Биз қувноқ болалармиз
Ўйин кулгуни севамиз
Қани ўртоқ қувиб тур
Биттамызга етиб кўр.

Охирги сўз айтиб бўлиши биланок ўқувчилар қарама-қарши томонга югуриб ўтадилар. Бошловчи югуриб ўтаётганларини қўл теккизиб тўхтатишга ҳаракат қилади. Бошловчининг қўли теккан

ўйинчилар ўша жойда тўхтаб қолишлари керак. Ўйин раҳбари уларни белгилаб олади ва уларга яна ўйинда қатнашишга рухсат беради. Ўйинчилар майдончанинг энсиз томонидаги чизик орқасида тўпланадилар ва у ердан яна майдончанинг қарама-қарши томонига югуриб ўтадилар. Ўйин шу зайлда давом этаверади. Бошловчи томонидан уч ва ундан кўп марта тўхтатилган ўйинчилар ютқазган ҳисобланади.

“ҚАЛЪА ҲИМОЯСИ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни сезгир ва хушёр бўлишга одатлантиради.

Ўйиннинг тартиби: Иштирокчилар айлана ичида турадилар. Ҳар бир боланинг орасидаги масофа 1 метрни ташкил этиши керак. Уларнинг оёқлари остида чизик чизилади. Айланалар марказига таёқчалар ўрнатилади. Ўйинчилардан бири қалъани ҳимоя қилиш учун унинг атрофига бориб туради. Унда волейбол ёки баскетбол тўпидан фойдаланилади. Ўйин бошловчи кўнғироғи билан бошланади. Болалар тўпларни бир – бирларига ошира тўриб пайт пойлаб, тўпни қалъага теккизишга ҳаракат қиладилар. Ҳимоячи эса қўл, оёқ гавдаси билан қалъани ҳимоя қилади. Тўпни теккизган ўйинчи ҳимоячи ўрнини алмаштиради.

“ТОШДАН ТОШГА САКРА” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни чаққон ва эпчил ҳаракат қилиш малакаларини оширади.

Ўйиннинг тартиби: Спорт майдончаси ёки ўйингоҳларини турли катталиқдаги табиий тошлар билан жиҳозлашади майдон ва ўйингоҳлар 30-50-60 см баландликдаги тошлар 2-3 м ораликда териб чиқилади. Улар бир чизикда тўғри чизилган бўлиши керак. Болалар бу тошларнинг биринчисидан иккинчисига югуриб чиқиб, бошқасига ҳам шу тарзда сакраб ўтадилар.

50-60-70см ораликда жойлашган тошлардан бошқасига сакраб ўтадилар.

“ХЎРОЗЛАР ЖАНГИ” ЎЙИНИ

Бу ўйин кўпроқ ўғил болаларга хосдир

Ўйиннинг мақсади: Болаларни чаққон ва эпчил ҳаракат қилишга, довюрак ва жасур бўлишга одатлантиради.



Ўйиннинг тартиби: Ерга диаметри 2 метрли айлана чизилади. Ҳамма ўйинчилар 2 та гуруҳга бўлинадилар ва доира ичида бир-бирига юзма-юз икки қатор бўлиб турадилар. Ҳар бир гуруҳдан биттадан бошловчи тайинланади. Бошловчилар ўз гуруҳларидан биттадан ўйинчини ажратадилар ва улар айлана ичига кириб қўлларини орқага қилиб бир оёқлаб турадилар. Ҳар бир гуруҳдан биттадан бошловчи тайинланади.

Ўйин бошланишига дарак берилиши билан бир-бирларини елкалари ва гавдалари билан туртиб, итариб айланадан чиқаришга ҳаракат қиладилар. Ўз рақибини ташқарига чиқара олган ўйинчи ғолиб ҳисобланади.

Шундан кейин доира ўртасига навбатдаги тайинланган хўроз жуфти киради. Ўйин ҳамма болалар хўроз ролини бажариб бўлгунча давом эттирилади. Ўйин давомида ғолибликни қўлга киритган гуруҳ соврин эгаси бўлади.

“ҚОЧ БОЛАМ КАЛХАТ КЕЛДИ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни чакқон ва зийрак бўлишга, доимо хушёр туришга одатлантиради.

Ўйиннинг тартиби: Ўйин оромгоҳ майдончасида ўтказилади. Майдоннинг икки томонига 2 айлана чизилади. Иштирокчилардан бири калхат қилиб тайинланади. У айланадан бирига кириб туради. Ўйинчилар орасидан битта бошловчи сайланиб, уни товук деб аталади. Қолган ҳамма иштирокчилар жўжа бўладилар. Жўжалар товук кетидан белидан ушлаган ҳолда занжир бўлиб турадилар. Бошловчи ўйин бошланишига дарак бериши билан калхат жўжаларга ҳужум қила бошлайди.

Товук калхатнинг йўлини тўсиб, унга битта ҳам жўжани олдирмасликка тиришади. Калхат эса ҳар хил ҳаракатлар билан товукни алдаб занжир бўлиб турган жўжани тутиб, ўз уясига айлана ичига олиб кетишга ҳаракат қиладди. У тутилган жўжани ўз уясига олиб бориб яна ҳужумга ўтади. Ўйин товукдан бошқа ҳамма жўжалар тутилгунгача давом этади. Шундан кейин бошқа бошловчи яъни, товук сайланади ва ўйин шу тарзда давом этади

“САЙЛАБ БЕРИНГ” ЎЙИНИ

Қизлар айлана ҳосил қилиб турадилар. Бир-бирларининг қўлларини занжирсимон ушлашиб, айлана ўртасига қизлардан бирини ўтқазишади. Ўртага кимни ўтқазиш қуйидагича ҳал қилинади.



Бир қиз айлана ўртасига чиқади ва қўлига бир кичик тошни олиб яширади. Кейин рўбарасида турган қиздан тошни топиб беришни сўрайди. Қиз яширинган тошни тўғри топа олмаса, вақтинча давранан нарироқ туради. Шундай давом этавергач, охирида тош яширган қиз ва унинг рўбарасида бир қиз қолади. Тош яширган охирги қиздан тошни тўғри топиб беришни сўрайди. Охирги қиз тошни топа билса, тош яширган қизнинг ўзи давра ўртасига ўтиришига тўғри келади. Агар топа олмаса ўйин қондасига биноан ўзи давра ўртасига ўтиради. Мисол тариқасида давра ўртасига ўтирган қизнинг исмини Лайло деб оламиз.

Қўлларни занжирсимон ушлашиб олган қизлар даврада ўтирган қизнинг атрофидан шу ўйин учун тўқилган шеърни айтишиб, айлана бошлайдилар.

Лайлоларникига бордик,
Гулдасталар тердик
Баландлиги шунча,
Пастлиги бунча
Кенглиги бунча,
Торлиги шунча,
Ўйнаб беринг, куйлаб беринг,
Биттасини сайлаб беринг

Шеърни айтишаётган қизлар сўзларини ҳаракат билан ҳам кўрсатиб берадилар. Масалан, “Баландлиги шунча” сўзини айтишганда, ҳаммалари қўлларини юқорига кўтаришади. Шеърнинг охирги икки қаторида эса, қизлар қарсак чалиб ва шеърни янада тезроқ айта бошлайдилар. Яъни, Ўйнаб беринг, “биттасини сайлаб беринг”чи.

Шундан кейин ҳамма ўртада ўтирган қиз ҳам дархол ўрнидан туради, қизлардан сайлаб беради. Сайланган қиз эса унинг ўрнига яъни давра ўртасига ўтиради. “Сайлаб беринг” ўйини шу тарзда давом этади.

“СИЧҚОН ВА МУШУК” ЎЙИНИ

Бу ўйин кўпроқ қизларга мосдир. Бунда ўйин учун тўпланганлардан бири “Қотдик” деб юборади. Ҳамма қизлар турган жойларида қотиб қолишади. Улардан қайси бири биринчи бўлиб қимирласа, ўша “Сичқон” ҳисобланади. Энди ўша сичқон иккинчи бор “Қотдик” дейди. Яна бояги ҳолат такрорланиб, биринчи бўлиб қимирланган қиз “Мушук” ҳисобланади.



Сичқон ва мушуклар аниқлангач, ўйин бошланади. Ўйинчилар бир-бирларининг қўлларини занжирсимон ушлашиб, айлана ҳосил қилиб туриб оладилар. Айлана атрофида сичқон қочади, мушук эса қувлайди. Сичқон айлана ичига кириб чиқиб юриши мумкин, мушукни эса айлана ҳосил қилиб турганлар ичкарига қўймайдилар. Ўйин шу тариқа давом этиб, қачонки мушук сичқонни ушласагина ўйин ниҳоясига етади.

“КИМ ТОПҚИР” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: болаларни топқирликка, сезгирликка, мустақил фикр юритишга ўргатиш.

Бир сўзни тўғри ўқиса бир маъно, шу сўзни тескари томондан ўқиса янги маъно ҳосил бўлади. Тарбиячи бир сўзни ёзув тахтасига ёзиб тушунтиради, кейин болалар давом эттирадилар. Масалан: “Мис” сўзини тескари ўқилса “Сим” ёки “тах” сўзи, “хат”, “тилак” “калит”, “қоч-чок”, “қўй -йўқ” ва ҳ.

“ТОПҚИРЛИК” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни оёқ, қўл, бош мия мускулларини ривожлантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш, сўз бойлигини оширишдир.

Ўйиннинг бориши: Иштирокчилар уч гуруҳга бўлинадилар ва ўз ўринларини эгаллайдилар.

Ишорага амал қилган ҳолда биринчи гуруҳ сўз атамаларини бошлаб беради. “Рўзнома, аллома, иродали, имкон, нажот” ва ҳоказо сўзлар болаларга ҳавола этилади. Юқоридаги сўзлар иштирокида гап тузишда фаол қатнашган гуруҳ ғолиб деб топилади.

“ПАХТАОЙ” ЎЙИНИ

Болалар тўрт катор бўлиб сафланишади, сўнг ораларини очик қолдириб, бир-бирларининг қўлларидан ушлашади (оралиқ пахта экиладиган эгатларни ифодалайди).

Бошловчининг буйруғи билан “Пахтаой”лар, яъни ҳамма болалар бурилиб, “эгат” ҳосил қилган ҳолда бир-бирларининг қўлларидан тутишади. Ўйин шу тахлит давом этади. Бу пайтда саф атрофидан ва “эгат”лар оралаб икки қатнашчи - (“қочувчи – қўзичоқ”, “қувувчи-чўпон”) югуриб юради.

Уларга болаларнинг туташган қўлларини бузиб юбориш тақиқланади. Агар “чўпон”, “қўзичоқ”ни тутиб олса, ўйин тўхтайд.



Кейин улар ўрнини бошқа “қўзичок” ҳамда “чўпон” эгаллайди. Шу тариқа ҳар бир қатнашчи иштирок этмагунча ўйин давом этаверади.

“АСКИЯЧИ” ўйини

Бир-бирларининг қўлларидан тутгунча давра ҳосил қилиб айланаётган болалар шундай дейишади: “Бир, икки, уч тасқара, қайрилиб бизга қара! “Ўйин марказидаги бошловчи кўзларини юмиб, қўлларини олдинга чўзганича болаларга тескари томонига айланаётган бўлади. “Қара” сўзи янграши билан ҳамма таққа тўхтайди. Кимда ким марказга тескари тарафга қўл узатиб қолса, ўйин марказига келтирилади ва шу таҳлид қотиб туради. Даврабоши ҳазил-ҳузул қилиб, уни кулдиришга ёки ҳолатини бузишга уринади. “Айбдор” кулиб юборса даврабошининг ўрнига қолади. Ўйин шу тариқа давом этади.

“ЗУВ-ЗУВ” ўйини

Ўйин тартиби: ўйин иштирокчилари икки гуруҳга бўлинадилар. Ўйинда 10-12 киши қатнашади. Ўртага қуръа ташланади.

Ўйинни 1-гуруҳ вакили, кичик таёқчани чуқурчага қўйиб калтак билан секин уриб, ердан кўтаради-да, ҳавода имкони борича кўпроқ уради. Кичик таёқча ҳавода неча маротаба урилган бўлса, шунча маротаба уни узоқ масофага уриб борилади. Одатда 100-200 метр масофагача уриб кетиш мумкин.

Шундан сўнг 2- гуруҳ ўйинчилари навбат билан ўша ердан “зув”лаб орқага қайтишади (албатта нафас олмасдан).

Борди-ю, шу масофани “зув”лаб босиб ўтолмаса, гуруҳ яна қайта “чиллак”ни уради. Агар 2-гуруҳ “зув”лаб масофани босиб ўтсагина, ўйинчилар ўрин алмашадилар.

Мазкур ўйин орқали болалар чакконлик ва тезкорликни ҳамда нафасни узоқ сақлаб туришни ўрганадилар.

“ҒОЗЛАР” ўйини

Бу ўйин болалар орасида кенг тарқалган ва оммалашиб кетган.

Ўйин тартиби қуйидагича. Бир томонда бир гуруҳ қизлар қўлни-қўлга бериб, қатор тизилишиб турадилар. Иккинчи томонда уларга рўбарў бўлиб ёши каттароқ бир қиз туради. Бу қиз ўйинда она ғоз ҳисобланади. қатор тизилишиб турганлари эса ғозлар бўлади. Она ғоз ва ғозлар орасидаги масофа ўн, ўн беш метр чамасида бўлиб, шу

масофа ўрталиғида икки ёнбош тарафда икки ўғил бола пойлаб туради. Бу болалар “Бўрилар” ҳисобланадилар. Ўйин бошланади.

Она ғоз ғозларига қараб шундай дейди:

- Ғозларим!
- Ға, Ға, Ға
- Келинглار,
- Қўрқамиз.
- Нимадан?
- Бўридан
- Бўри қани?
- Ола тоғда,

Учиб, учиб келинглар

Шундан кейин ғозлар ға, ға, ға деган овоз чиқаришиб, она ғоз томон учиб кела бошлайди.

Йўлда ғозларга бўрилар ҳужум қилишади. Бўриларнинг қўлига тушган “ғозлар” ўйиндан чиқиб турадилар. Бўриларга тутқич бермай она ғознинг олдида “эсон-омон” учиб боришган ғозлар эса яна ўз жойларига боришиб, ўйинни шу тарзда давом эттираверадилар. Қачонки охирги ғоз ҳам бўриларнинг қўлига тушса, ғозлар ўйинига яқун ясалади.

4. Табиат қўйнига саёҳат ва “Ёш муссавир” расм чизиш мусобақасини ўтказиш

“Ёш муссавир” расм чизиш мусобақасини ўтказиш **С Ц Е Н А Р И Й С И**

Байрам ўтиш жойи байрамона безатилган муסיқа садолари барча иштирокчилар ичкарига таклиф этилади.

1 – Бошловчи:

Дилимни минг битта шодликка кўмиб,
Бешикда айтилган аллалар Ватан.
Истикболни кўриб, хаёлга чўмиб,
Уфққа туташган далалар Ватан.

2 – Бошловчи:

Муҳаббатга чорлаб, вафога чорлаб,
Бахорда кўкарган ялпиздир Ватан.
Таърифин ёзишга ожиздир қалам,
Қуёшдай ягона, ёлғиздир Ватан.



1 – Бошловчи: Ассалому алайкум танловимизга ташриф буюрган азиз ижодкор ёшлар.

2 – Бошловчи: Танловимизга хуш келибсиз!

1 – Бошловчи: Санъат инсонни эзгуликка етаклайди, тасвирий санъат эса, борлиқ гўзаллигини рангин бўёқлар билан қоғозда жонлантиради.

2 – Бошловчи: Тўғри, бугун «Сайёра тинчлиги – юрт ободлиги» кўрик-танловининг иштирокчилари ҳам Она Ватанимизни, тинчлигимизни, мустакилликимизни, гўзал табиатимизни турфа рангдаги бўёқлар билан қоғозларда ифодалаганлар.

1 – Бошловчи: Шундай экан, бугунги кўрик-танловни очиб бериш учун сўз навбати оромгоҳимиз директорига берамиз.

2 – Бошловчи: Бугунги кўрик-танловимизга азиз меҳмонлар ташриф буюришган.

1 – Бошловчи: Табриклаш учун сўз навбати ...

1. _____ .

2. _____ .

1 – Бошловчи:

Болага ўхшайди дейдилар халқни,

Бу гапни айтганлар, эхтимол ҳақдир.

Лекин такрорлайман мен ҳам бир ҳакни,

Ахир болаларнинг ўзи ҳам ҳалқдир.

2 – Бошловчи: Танлов иштирокчиларидан табриклаш учун _____ ва _____ ни таклиф этамиз.

/ иштирокчилар табриклашади /

1 – Бошловчи: Сизларни хушнуд этиш мақсадида 2-гуруҳ тарбияланувчилари сизларни табриклаш учун рақс тайёрлаб келганлар. Марҳамат кутиб олинг.

2 – Бошловчи: Бугунги кўрик-танловимиз куйидаги йўналиш бўйича ўтказилади:

- ранг тасвир

- қалам тасвир

- графика

1 – Бошловчи: Сизларни табриклаш учун оромгоҳимизда ташкил этилган _____ тўгарак аъзолари ўзларининг чиқишларини намойиш этадилар. Марҳамат.

2 – Бошловчи: Сизларни эса рақсга чорлаб қоламиз.



1 – Бошловчи: иштирокчиларимиз ана шу йўналишлар бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказадилар. Шундай экан, “Ёш мусаввир” расм чизиш мусобақасини очик деб эълон қиламиз. Ижодий ишларни оромгоҳимиз ходимлари ва тўғарак раҳбарлари томонидан тузилган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борадилар.

2 – Бошловчи: Иштирокчиларимизга омад ва зафарлар тилаб, барчангизни кўргазмага таклиф этамиз.

/Ҳакамлар ҳайъати аъзолари болалар чизган ижод наъмуналарини баҳолаб бўлганларидан сўнг, голиб иштирокчилар тақдирланади.

5. “Энг яхши тақдимот маросими” мавзуларида танловлар ташкил этиш.

Ҳар бир гуруҳ 3 кун давомида гуруҳидаги ўртоқлари билан келишган ҳолда ўз гуруҳига ном топиши ва шиорини ўйлашлари учун вақт белгиланган бўлиб, бу танлов иштирокчиларининг қай даражада ижодий ёндошганлигини белгилайди. Гуруҳларнинг фаолликлари тақдимот давомида аниқланади. Ўз гуруҳи номи ва шиорларини тўлиқ таърифлай билган гуруҳ голиб бўлади.

6. “Китоблар яхшиликка етаклар” мавзусида эртаклар ва болалар ёзувчиларининг асарлари бўйича ижодий мулоқотлар олиб бориш.

Бу танлов болалар биринчи оромгоҳга борилган куни эълон қилинади. Ҳар бир гуруҳ ўзига маъқул келган ҳикоя ёки эртакни танлаб, уни замонавий тарзда талқин этиб берадилар. Танловда гуруҳлар ижро маҳорати, ўзига хослиги (оригиналлик), сахна маданияти бўйича баҳоланадилар.

7. “Соғлом турмуш тарзи – баркамол ёшларни камол топтириш гарови” мавзуси остида “Биз-гиёҳвандликка қаршимиз” мавзусида расмлар кўргазмасини ўтказиш.

“Соғ танда – соғлом ақл”, “Соғлом турмуш тарзи – баркамол ёшларни камол топтириш гарови” мавзусида маънавият ёки кутубхонада “Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда” бурчагини ташкил этиш.

Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, шунингдек, ҳар бир оромгоҳда гиёҳвандликка қарши курашиш кунлари “Биз-



гиёҳвандликка қаршимиз” расмлар кўргазмасини ўтказиш, махсус таълим-маърифат бурчагини ташкил этиш ва ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмали воситалар тайёрлаш бўйича танлов ўтказиш, ёшлар ўртасида тамаки чекиш, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, уяли алоқа воситаларида тасвирга олинган ахлоқсизликнинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги энг яхши роликлар намоишини ташкил этилади.

8. Иқтидорли болалар беллашуви.

Оромгоҳда дам олаётган болалар орасидан иқтидорлиларини аниқлаш мақсадида танлов ташкил этиш. Болаларнинг нафақат амалий, балки назарий билимларини ҳам аниқлаш, уларни гуруҳ бўлиб ишлашга, гуруҳлари учун қайғуришга ундаш. Фикрлаш доираларини кенгайтириш мақсадида танлов уюштириш.

1. *Жаҳонга машҳур қайси буюк аллома ва табибни биласиз?*
2. *Хонада ўстириладиган гуллар номини айтинг.*
3. *Қандай уй ҳайвонларини биласиз?*
4. *Ўзбекистонда кенг тарқалган дарахтларни санаб беринг.*
5. *Қандай доривор ўсимликларни биласиз?*
6. *Бизнинг сайёрамиз қандай номланади?*
7. *1 кг пахта оғирми ёки 1 кг темир оғирми?*
8. *2 та ота 2 та ўғил 3 та тухум ейишди. Ҳар бирлари нечадан тухум ейишган?*
9. *Светофорлар нима учун ўрнатилган ? Уларнинг ранглари хақида айтиб беринг.*
10. *Какку билан тўтиқуш ўртасида қандай боғлиқлик бор?*
11. *Нима орқага қайтмайди?*
12. *Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ?*
13. *Тошкент неча ёшда?*
14. *Амир Темури номи билан боғлиқ қандай тарихий жойлар бор?*
15. *Тошкент шаҳрида неча театр масканлари бор?*
16. *Тошкент шаҳри кўчаларига номлари қўйилган ёзувчи ва шоирларни айтиб беринг.*
17. *Тошкентдаги метро бекатларини санаб беринг.*

“Билимдон” қрассворди

Энига: 1. Мева. 2. У қариес билан касалланади. 3. Сўроқ сўз. 4. Спорт тури. 6. Китобдаги бўлим, қисм. 7. Ҳайвон. 8. Ўчоқ тагига



олов ёқишида фойдаланилади. 10. Ширинлик. 11. Қизлар исми. 13. Гул. 14. Пирамидалар жойлашган давлат. 16. Ҳарбий машина. 17. Сайёра. 19. Ойхона идиши. 20. Шарқ миллати. 21. Цитрус мева. 22. Энг кичик зарра. 24. Ким эпчил-у, ким чаққон, бекинмачоқ. 25. Жамоа бўлиб қўшиқ ижро этиши. 26. Судралиб юрувчи ҳайвон.

Бўйига: 1....олма, дуо ол. 5. Ер тагида олтин қозик. 8. Ковак, чуқурлик. 9. Қуш ва самалётда бор. 12. Булут кўзёши. 13. Цитрус мева. 15. Ўғил болалар исми. 16. Вена, артерия. 18. Етти ўлчаб, бир..... 19. Қулф дўсти. 21. Боласини елкасида олиб юрадиган ҳайвон. 23. Мусулмонлар дини. 27. Ўзбек таоми.

1			
2			
3			

4			5
6			
7			

			9
8			
10			

11		12		

13			15
14			

16			18
17			

19			
20			

21			23
22			

24			27
	25		
26			

“Билимдон” красворди калити

Энига : 1. Олча 2. Тиш 3. Нима 4. Бокс 6. Боб 7. Бўри 8. Ўтин 10. Торт 11. Диёра 13. Лола 14. Миср 16. Танк 17. Марс 19. Коса 20. Турк 21. Киви 22. Атом 24. Ўйин 25. Хор 26. Илон

Бўйига: 1. Олтин 5. Сабзи 8. Ўра 9. Қанот 13. Лимон 15. Аброр 16. Томир 18. Кес 19. Калит 21. Кола 23. Ислон 27. Норин



9. “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!” шиори остида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш.

“Соғ танда-соғлом ақл” шиори остида енгил атлетика, узоқ масофага югуриш, Қувноқ стартлар эстафета ўйинларини ташкил этиш ва ғолибларни оромгоҳ умумий сафланишида тақдирлаш. Мусобақаларини ташкил этиш. Туристик маршрутлар бўйича тоғ сайри.

10. Ўзбек миллий халқ ўйинларини ташкил этиш.

Ўқувчи-ёшларнинг соғлом шахслар бўлиб вояга етишларида улар билан ўтказиладиган миллий ўйинларнинг аҳамияти муҳимдир. Ўйин-ўз табиатига кўра кўп қирралидир, у ҳар томонлама ривожланган комил инсонларни тарбиялайди. Ўйин жараёнида болалар эпчил, чаққон ва меҳнаткаш бўлиш каби хислатларни ўрганадилар.

Шунингдек, ўйин болалар орасидаги дўстлик, иноқлик, меҳрибонлик, меҳр-шафқатлилик ҳис-туйғуларини ривожлантиришда хизмат қилади.

Ўйинларни ўтказишда тарбиячиларнинг вазифалари жуда маъсулиятлидир. Ўйинда тарбиячилар болалар учун ҳар томонлама ижобий таъсир этувчи турли мавзулардаги ранг-баранг ўйинлардан, усуллардан фойдалана билишлари лозим.

Миллий халқ ўйинлари ўқувчи-ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар бола онгини ривожлантириш, жисмонан ва ақлан ютук бўлиб ўлғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам тарбиячилар ўйин жараёнида ўйинлардан тўғри фойдаланишга ҳамда болаларнинг хавфсизлигига жиддий эътибор қаратишлари талаб қилинади. Чунки яхши танланган ўйин болалардаги ижобий хислатларни шакллантиришда тарбиянинг муҳим томонларидан бири бўлса, бошқа томондан ўйин жараёнида нотўғри ҳаракат натижасида болаларнинг соғлигига зарар етказилиши ҳам мумкин.

Шундан келиб чиқиб ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари шароритига мос келувчи айрим миллий халқ ўйинларини келтирамиз.



“ЗОВУРДАГИ БЎРИ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни эпчил ва чаққон ҳаракат қилишга одатлантиради.

Ўйин тартиби: Ўртасида бир-биридан 60-70 см узунликда икки ёнма-ён чизик ўтказилади, у зовур вазифасини ўтайди. Бир ва иккита борувчилар яъни бўрилар зовурда турадилар. Қолган иштирокчилар эчкилар ҳисобланадилар. Эчкилар чизикнинг бир тамонида ўз уйларида бўладилар. Қарама-қарши тамонга яйловни тасвирлайдиган чизик чизилади. Етакчининг қўнғироғига биноан эчкилар уйларида чиқиб, зовурдан сакраб, яйловга чоғиб ўтадилар, бўрилар эса уларни тутишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир югуришдан сўнг қўлга тушганлар сони қўлга тушганлар сони санаб чиқилади. Югуришдан сўнг янги бўрилар сайланади.

“КЕС - КЕС” ЎЙИНИ

Ўйиннинг тартиби: Ўйинда тўрт қадам катталигида доира четида барча ўйинчилар турадилар. Улар доирани кесиб ўтиб доирани нариги четига ўтишга ҳаракат қиладилар. Бошловчи эса югуриб ўтувчиларга қўл теккизади. Қўли теккан ўйинчи ўйиндан чиқади. Доирани кесиб ўтган ва қўл теккизмаган ўйинчи ғолиб ҳисобланади. Бу ўйин болалардан чаққонликни, тез югуриш, доирани тўғри кесиб ўтишни талаб этади.

“АРҒАМЧИ УСТИДАН САКРАШ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни тез ва чаққон ҳаракат қилишга одатлантиради.

Ўйиннинг тартиби: Болалар арғамчини икки учидан ушлаб айлантира бошлайдилар. Болалар қатор бўлишиб арғамчига тегмасдан навбатма-навбат сакрайдилар. Арғамчига ким тегса, ўша арғамчи айлантираётган болалардан бири ўз ўрнини алмаштиради.

“АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болаларни халқ санъати, унинг ижро йўллари билан таништиради.

Ўйиннинг тартиби: Бошловчи болаларни уч гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ доирачилар, худди доира чалаётганга ўхшаб ҳаракат қиладилар ва “така-така-тум” деб турадилар. Иккинчи гуруҳ



карнайчилар, худди карнай чалаётганга ўхшаб “ғаға-ғаға-ғув” деб турадилар.

Учинчи гуруҳ эса “Андижон полькаси” мусиқаси асосида хиргойи қилиб турадилар.

Бошловчи ўртада доира жўр бўлиб туради, қўл ҳаракатларини ишга тушириши билан залда ўтирганлар бараварига ўзбек миллий “Андижон полькаси” мусиқасини ижро эта бошлайдилар.

Ҳамма иштирокчилар ўзларига ажратилган асбоб ва товуш ҳаракатларини ижро этадилар.

“ЧЎПОН, ҚЎЙ ВА БЎРИ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Ўйинчилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг тартиби: Ўйинда барча болалар қатнашдилар. Болалар орасидан “Чўпон ва бўри” сайлаб олинади. Қолган ўқувчилар “қўй” бўлади. “Бўри”нинг алоҳида уйи бўлиб, у ўша уйга бориб туради. Чўпон “Қўй” ларни далага ҳайдаб кетади-да, ўзи бир жойга ёнбошлаб ўтиради ва ухлаб қолади. “Қўйлар” ўтлоқда юради.

Ана шу фурсатдан фойдаланиб, “Бўри” зудлик билан “қўй”лар орасига ўзини уради ва қўйларни тута бошлайди. “Қўйлар ўзини “Бўри” дан ҳимоя қилиш учун ўзини ҳар тарафга олиб қочади.

Шовқин-сурондан “чўпон” уйғониб кетади. “Чўпон” югуриб келиб қўлидаги коптоги билан “Бўри”ни уради. “Бўри” қочади, копток тегмаса “қўй”ларга ҳужум қилаверади.

Эслатма: “Бўри” ушланган “қўй” ларни уясига олиб бориши мумкин ёки ушланган “қўй”лар ўйиндан чиқади. Сўнгра “бўри” ва “чўпон” алмаштирилади.

“БИЗ НЕЧТАМИЗ” ЎЙИНИ

Бошловчи қуйидаги шеърни болаларга айтиб кунт билан тинглашларини ва шеър охирида айтиладиган саволларга жавоб беришларини сўрайди.

Бизнинг мактаб ва синфда
Шуғулланар Анвар, Лола
Саккиз Олим тўрт Марям
Икки Собир, уч Комил
Беш Комола, олти Даврон
Карим, Соли ва Дилбар
Қани тезроқ, ким айтади
Бизда қанча ўғил бор

Агар болалар синфда нечта ўғил бола борлигини айта олмаса, бошловчилар шеърни яна такрорлайди ва охирида бошқача савол қўяди: “Қани тезроқ, ким айтади? Бизда қанча қизлар бор?”

Шунда ҳам болалар жавоб бера олмасалар, бошловчи шеърни яна такрорлайди ва охирида бошқача савол қўяди. “Ким айтади синфда қанча ўқувчи бор”. Сўнг барча синфда қанча ўқувчи борлигини айтишади.

“КУРАШ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Эпчил ва чаққонликни ҳислатларини шакллантириш.

Ўйиннинг тартиби: Майдончага 2-2 квадрат метрли айлана чизилади. У тенг иккига бўлинади, ҳосил бўлган икки тўғри бурчакли учбурчакда икки ўйинчи жойлашади. Уларни умумий икки бурчак ажратиб туради. Ўйинчилар яъни жангчилар белбоғда бўлишади. Ишора бўлиши билан рақиблар бир-бирларининг белбоғларидан ушлаб, ўз тамонларига тортиб олишга ҳаракат қиладилар. Ғолиб уч уринишда аниқланади.

“БЕКИНМАЧОҚ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг мақсади: Болалардаги чаққонлик, зийраклик ва ҳушёрлик ҳислатларини шакллантиради.

Ўйиннинг тартиби: Бу ўйинда иккита гуруҳ иштирок этади. Ҳар бир гуруҳ ўзига ўйин бошловчини тайинлайди. Кейин болалар тўпланган жойда катта қуъра ташланади. Доира шакли чизилади. Ўйиннинг бошланишидан олдин қайси гуруҳ бошловчиси яширинган рақамни топса, ўша гуруҳдаги болалар ўйинни бошлаб беради.

Болалар ўзлари хоҳлашган ва ноаниқ жойларга бўлинишиб, бекиниб бўлишгач икки гуруҳ қидиришни бошлашлари мумкин. Иккинчи гуруҳдагилар эса ҳалиги доира чизикда битта кўрикчи қолдириб, қолганлари бекинган ўйинчиларни қидириб кетадиар. Қидираётганлар бекинганларни топиб қувлаб елкасига дўппи билан урса, у ушлаган ҳисобланади.

Гуруҳ аъзолари бекинган гуруҳдаги болаларнинг барчасини ушласалар, ўшандагина ўйин ниҳоясига етади. Агар бекинганлардан битта иштирокчи топилмай қолиб кетса, у ҳолда ўйин давом этаверади. Ғалаба қилиш учун албатта ҳамма ўйинчиларни топиб ушлашлари керак. Бекинганлардан бирортаси ўзини қидираётганларга кўрсатмай тутқич бермаган ҳолда кўрикчини

чалғитиб айлана ичига оёғини босиб из қолдирса ўз гуруҳидаги ушланган болаларнинг ҳаммасини қутқарган ҳисобланади. Ҳаммалари кутилишгач, яна бекинишга кетишади.

Бу гуруҳдагилар эса ушланганларни бирортаси келиб қутқармаслиги учун айланадаги қўриқчилар сонини кўпайтиради. Агар қутқариш учун келган болани айлана ичига оёқ изини қолдиртирмасдан унинг елкасига қўриқчи дўпписи билан бир урса, у бола ҳам ушланган ҳисобланади. Шундай қилиб, бу “Бекинмачок” ўйини болаларнинг хоҳишига қараб давом этади.

“ҚЎЛИМДА НИМА БОР” ЎЙИНИ

Ўйиннинг тартиби: Ўйин жараёнида табиий нарсалар, тошлар, ёнғоқлар ва тошчалардан ва таёқчалардан фойдаланилади. Болалар қўлларини орқаларига қилиб турадилар. Бошловчи бир хилдаги икки нарсани иштирокчига тутқазади. Масалан, катталиги билан фарқ қиладиган тошчалар бири кичик, иккинчиси катта. Иштирокчи уларни кўрмасдан, ўнг қўлида қандай ҳажмдаги тош борлигини айтиш керак. Унинг тўғри ёки нотўғри айтганлигини дўстлар текширадилар.

Бошловчи бошқа иштирокчиларнинг қўлларига узунлиги бўйича фарқ қиладиган, лекин йўғонлиги бир хил бўлган чўпларни беради ёки узунлиги бир хил, йўғонлиги ҳар хил иккита қалам беради. Ким бирорта ҳам хатога йўл қўймаса, ўйинда ғолиб ҳисобланади. Иштирокчилар қўлларидаги берилган нарсаларни зудлик билан қаттиқ овозда бошқа ўйин иштирокчиларига айтиб беришлари керак. Иштирокчиларнинг қайси бири тўғри топа олса, у ўйин ғолиби ҳисобланади.

“ҲА” ЎЙИНИ

Ҳар бир иштирокчининг ўз рақами бўлади. Биринчи иштирокчи “ҳа” дейди. Иккинчи иштирокчи “ҳа-ҳа”, учинчиси “ҳа-ҳа-ҳа” дейди. Ўйин шу тариқа иштирокчиларнинг бирортаси “ҳа” ларнинг сонига адашиб кетгунча ёки кулиб юборгунича давом этади.

Адашган ўйиндан чиқиб кетади. Ўйин командаларда биттадан иштирокчи қолгунича давом этади. Кейин “Кулги марофонининг” финал босқичи ўтказилади. Ўтқазган жамоа бошловчи томонидан бериладиган топшириқни бажаради.



“ДАВРАГА ТУРИНГ” ЎЙИНИ

Ўйин ўтказилаётган саҳнага ёки майдончага жамоалар сонидан келиб чиқиб айланалар чизилади. Ҳар бир иштирокчининг ўз рақами бўлади. Бошловчининг буйруғи билан барча кўзини юмади. Бошловчи ва ёрдамчилар майдончадаги ҳаммани жойини ўзгартириб ташлайдилар. Сигнал берилиши билан иштирокчилар кўзларини очишади ва барча жамоалар иложи борица ўз рақамлари бўлган айланани топиб, туриб олишлари лозим.

“ҚАФАСДАГИ ЙЎЛБАРС” ЎЙИНИ

Ерга “қафас” шаклидаги айлана чизилади ва унинг ичига жамоадан бир иштирокчи кириб туради. Бошқа жамоалардаги қолган иштирокчилар айлана ичига кириб-чиқиб “йўлбарс” га тегажқлик қилишади. “Йўлбарс” уларни тутишга ҳаракат қилади, лекин у бу ишни фақатгина қафас ичидагина қила олади. Ўйин “йўлбарс” иложи борица кўпроқ иштирокчиларни тутиб олганидан кейин тугайди. Қолган “овчилар” ўз жамоаси учун хоҳлаган ўйинни танлаш ҳуқуқига эга. Ўйин натижаларига кўра энг “чаққон овчи” ва энг “омадли йўлбарс” танланади.

“ДЕЛЬФИН” ЎЙИНИ

Барча иштирокчилар даврага туриб тренернинг қўл ҳаракатини кузатишади. Тренернинг чап қўли “дельфин”, ўнг қўлининг ости “денгиз сатҳи”, қўлидан тепаси “денгиз” тепасидаги бўшлиқ бўлади. “Дельфин” “денгиз” остида сузиб юрганида иштирокчилар жим ўтиришади, “денгиз” устига чиққанида барча бараварига қарсак чалади. Адашиб кетган иштирокчи қолганларнинг талабига биноан шеър ўқиб беради, ёки қўшиқ куйлаб беради ёки рақсга тушиб беради.

“МЕВАЛИ БОҒ” ЎЙИНИ

Иштирокчилар давра куриб ўтирадилар. Иштирокчиларнинг сонига қараб мевалар номи айтилади. Бошловчи меванинг номини айтади ва бу мевалар жойларини алмаштирадилар. Бошловчи “Мевали салат” деганида барча иштирокчилар жой алмаштирадилар. Бошловчи бирон иштирокчининг жойини эгаллаб олади. Жой топа олмай қолган иштирокчи ўйинни бошқаради.



11. “Бизнинг оромгоҳ-берган сабоқлар” танловини ўтказиш.

“Бизнинг оромгоҳ берган сабоқлар” танловини сценарийси

(Тадбирга бағишлаб дам олувчилар тўғаракларда олган билимлари асосида ўз қўллари билан ясаган ижодий ишларидан кўргазма ташкил этилади. Саҳна байрамона безатилган, мусиқа садолари остида бошловчилар чиқиб келади).

1–Бошловчи: Ассалому алайкум бугунги шодиёнага ташриф буюрган азиз болажонлар, оромгоҳимиз ходимлари.

2–Бошловчи: Ўйлаймизки, оромгоҳдаги барча биз учун азиз бўлган опажонлар, акажонлар, опа- сингил ва тенгдошлар. Сизлар кутган кун ҳам етиб келди!

1–Бошловчи: Барча болажонларимизни, ширинтой укажонлар-у, сингилларимизни кўргазма очилиши билан муборакбод этамиз! Тўғарак аъзоларимиз томонидан тайёрланган ижод намуналарини томоша қилишга таклиф этамиз. (Фойе қисмида кўргазмалар ташкил этилган).

2–Бошловчи: Юзингизни табассум, қалбингиздан эса болаликнинг беғуборлиги тарк этмасин!

1–Бошловчи: Ҳозир сизларни танловимизнинг шартлари билан таништириб ўтамиз. Марҳамат.

2–Бошловчи: Энди эса танлов шартларини баҳолаб бориш учун таклиф этилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан таништириб ўтамиз. (Ҳакамлар таништирилади)

1. _____
2. _____
3. _____

2–Бошловчи: Бу танловда оромгоҳ тарбияланувчилари икки шарт бўйича уч гуруҳга бўлиниб иштирок этадилар. Танлов шартлари: Биз санъат шайдоларимиз – бу шартда гуруҳлар ўзларини бадиий чиқишларини намойиш қиладилар. Шартни бажариш учун 15 дақиқа вақт берилади.

1–Бошловчи: Биз иқтидорли болалармиз-саҳнада болалар оромгоҳ тўғаракларида ўрганган билимлари асосида бирор бир нарса ясаб беришлари лозим. Бу шартда оромгоҳ тарбияланувчилари ўзлари дам олаётган оромгоҳда ютуқларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этишлари керак. Шартни бажариш учун 5 дақиқа вақт берилади.



Тенгдошларимиз нарсаларини ясагунларига қадар “Камалак” болалар дастаси ижросидаги рақсинкор кўшиқни тинглашга барчангизни таклиф этамиз. Марҳамат!

2-Бошловчи: Жуда ажойиб. ҳаммангиз ҳозир тенгдошларингизни ижодий чиқишлари, ижод наъмуналрини намоишларини кўриб мазза қилиб дам олдингиз. Келинг энди иштирокчиларимиз олган баллари билан таништириш ва уларнинг ютуқ ва камчиликларини билиб олишимиз учун ҳакамлар ҳайъати раисига сўз берсак. Марҳамат!

1-Бошловчи: Раҳмат. Барчангизни оромгоимизда вақтингизни бекорга ўтказмаганлигингизга гувоҳ бўлдик. Бунинг учун барча тарбиячи, тўғарак раҳбарлари ва барча ходимларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

2-Бошловчи: Энди ғолибларни тақдирлаш фурсати етди. (ғолиблар тақдирланади.)

1-Бошловчи: Шу билан тадбиримиз ўз ниҳоясига етди. Ҳаммангизга раҳмат!

“Сени соғинамыз оромгоҳ” шиори остида “Эсдаликларни тайёрлаш тадбири”ни ташкил этиш. Бунда дам олувчилар томонидан кичик альбомлар, кичик буклетлар тайёрлаб, бир-бирларига тақдим этадилар. Шунингдек, оромгоҳнинг эсталик китобига ўқувчиларнинг ёз таасуротлари ҳақидаги фикрларини қайд этадилар.

Оромгоҳнинг ёпилиш маросимида тайёргарлик кўрадилар.

12. “Хайр оромгоҳим, дам олиш масканим” хайрлашув тадбири ўтказиш ва кўргазма ташкил қилиш.

Эрталабдан оромгоҳда гуруҳларнинг бир-бирларига табрик сўзлари, етакчиларнинг ўз тарбияланувчиларига дил изҳорлари эшиттирилади. “Хайр оромгоҳим, дам олиш масканим” хайрлашув тадбири ўтказилади. Унда ўқувчи-ёшлар оромгоҳларда дам олишлари давомида “Тўқиш”, “Мунчоқли безак”, “Майда пластика” ва “Ёш мусаввир” тўғаракларида ўз қўллари билан ясаган ва чизган буюмларидан кўргазма ташкил этишади.

Шунингдек, болалар оромгоҳда дам олиши давомида унитилмас таъсуротлар, воқеалар ҳамда келгуси йилда оромгоҳларда яна қандай кўнгилочар тадбирлар ва тўғаракларни ташкил этиш бўйича ўз фикрларини тарбиячиларга ёзма равишда қолдиришлари мумкин.

Сўнгра барча болалар ўз тарбиячилари ҳамроҳлигида оромгоҳдан жўнаб кетадилар.



ОРОМГОҲЛАРДА БАДИЙ ИЖОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДА ТЎГАРАКЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Оромгоҳ болалар учун янги дўстлар орттириш, ўзлари учун янгиликлар яратиш, маданий ҳордиқ чиқариш, ёқтирган ва сеvimли машғулотлари билан машғул бўлиш, расм чизиш, мусиқа санъати, спорт билан шуғулланиш, ўсимликлар ва табиат қўйнида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун тўгараклар, клублар, турли секцияларни ташкил этиш мумкин. Тўгарак раҳбарлари оромгоҳларда тўгарак ишларини шундай ташкил этишлари керакки, мазкур тўгаракларда болалар касб-ҳунар малакаларини эгалаб, ўз ижодий қобилиятларини намоён этишлари, эгаламоқчи бўлган касбларни маҳорат билан ўрганишга интилишларига замин яратиб беришни тақозо этади.

Тўгарак раҳбарлари машғулотлар, турли байрамлар, кўргазмалар, концертлар, “Соғлом бола йили”га бағишланган турли кечалар, спорт мусобақаларини ўтказиш дастурини тузади, хонани жиҳозлайди, кўргазмали воситаларни тайёрлайди. Тўгарак раҳбарлари болаларни ўз-ўзини бошқариш, дўстона муносабат, ота-онага, катталарга, устозларга бўлган меҳр-муҳаббатини ривожлантиришда катта рол ўйнайди.

Мавсум охирида тўгарак раҳбарлари ҳисобот тайёрлаб, тарбиячиларга болаларнинг эришаётган ютуқлари ҳақида мунтазам ахборот бериб боради ҳамда билимдон, ташаббускор, интилувчан болалар орасидан етакчиларни тайёрлайди. Ҳужжатларни юритади, мавсум учун ҳисоботлар тайёрлаб, ўз устида ишлайди. Жамоа ишларида фаол иштирок этади, иш режадан келиб чиққан ҳолда тўгаракларнинг ўқув-тарбиявий ишлар режасини тузади. Мазкур иш режада тўгаракларнинг мақсад, вазифаси ва амалий ишларини аниқ кўрсатиб беради.

Тўгарак раҳбари машғулотлар ўтказиладиган хонани жиҳозлайди. Бу ишларни у тўгарак аъзоларини жалб қилган ҳолда олиб боради. Машғулот ўтказиладиган хонада тўгарак бурчаклари, тўгарак номи, шиори, машғулотлар жадвали, иш режасини жойлаштиради. Иш жараёнида ёз мавсумидаги ишларни ривожлантирибгина қолмай, балки уларни давом эттириш учун мактабларда бажарилиши керак бўлган ишларни вазифа тариқасида тўгарак аъзоларига бериб боради.

Оромгоҳда ўз-ўзини бошқаришнинг кенг усулларида бири клублар фаолиятини тўғри ташкил қилишдан иборатдир. Тўгарак раҳбари аъзолари орасида ўзини моҳир, уста педагог, ижодкор,



жонкуяр, турли тадбирлар ташкилотчиси сифатида намоён этиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим.

Тарбиячилар жамоаси, изланувчан-интилувчан, қобилиятли ва ҳар томонлама фаол болалар билан бутун оромгоҳ жамоасини она юртига меҳр-муҳаббатли, садоқатли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтиришда, иш режада белгиланган вазифаларни бажаришда, болаларни ўз қизиқишларини ривожлантиришда, баркамол шахс сифатида тарбияланишларида ўзининг муносиб ҳиссасани қўшади. Тўғарак ишларини тўғри, фойдали ташкил этишда дастурлар тузишнинг аҳамияти каттадир.

Оромгоҳ дастурларини шундай тузиш керакки, ҳар бир тўғарак аъзолари ўзи танлаган тўғарагини мунтазам аъзосига айлансин, яхши кўриб машғулотларга қатнашсин. Шундагина бола мавсум давомида олган билим ва кўникмаларини ўқиш даврида ҳам давом эттиришига пойдевор вазифасини ўтайди.

Оромгоҳларда болаларнинг қизиқишлари ва истаклари асосида “Ёш мусаввир”, “Тўқиш”, “Мунчоқли безак”, “Юмшоқ ўйинчоқлар”, “Майда пластика”, “Ўзбек халқ рақслари” ҳамда “Инглиз тили” каби тўғаракларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Оромгоҳда иш олиб бориш учун “Баркамол авлод” болалар марказларида фаолият кўрсатаётган тўғарак раҳбарларини жалб этиш мумкин.

Шунингдек, оромгоҳ педагоглари жамоаси орасидан ҳам шу ишга лаёқатли, малакали мутахассисларни тайинлаш мумкин. Биз, Сизларга оромгоҳ шароитига мос, ташкил этилиши лозим бўлган тўғарак машғулотларининг дастурларини тавсия этамиз.

“Тўқиш” тўғараги

“Тўқиш” тўғарагида ўқувчи-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар онгига миллий маданиятимиз, миллий қадриятларимиз руҳини сингдириш ҳамда тўқиш ҳунарини эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиш, шу ҳунарга қизиқишларини орттиришдан иборатдир.

Айниқса қиз болаларни мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, балоғат ёшидаги қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, момоларимиз меросини чуқур ўрганишлари, аجدодларимиз анъаналарини давом эттириши ва ривожлантириши, анъанавий ва замонавий буюмлар тўқиш ҳунарини эгаллаши учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Бундан ташқари тўғарак болаларга меҳнатсеварликни сингдириш, бошланғич касб-ҳунар сирларини эгаллаб, тегишли касб-ҳунар

коллежларини танлаш ва кейинчалик шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиб чиқишлари учун имкониятлар яратади.

“Тўқиш” тўгарагининг ўқув режаси

№	Машғулотлар мавзуси	Амалий	Назарий	Жами
1.	Чок турлари билан таништириш		1	1
2.	Болалар шапкасини тўқиш	5	1	6
3.	Шарф тўқиш	1	1	2
4.	Пинетка тўқиш	2	1	3
Жами		8	4	12

1. Чок турлари билан танишиш

Дарс бошида ўқувчиларга спица ва крючок (илгак) турлари ҳақида гапириб ўтилади. Спицада петля олиш усули кўрсатилади. Асосий чоклар қуйидагилар:



“Рўмол чок”. Бу чокни тўқиш учун 26 та петля олинади. Ушлаб турган ипимиз спицамининг орқа деворида бўлади.

X I I I I I I I I I I X 5 қ
 4 қ X I I I I I I I I I I X
 X I I I I I I I I I I X 3 қ
 2 қ X I I I I I I I I I I X
 X I I I I I I I I I I X 1 қ

“Бўғдой чок”. Бу чокни тўқишда 26 та петля олинади. 1-қаторда ушлаб турган ипимиз спицанинг орқа деворида бўлади. 2-қаторда ип спицанинг олд деворида туради.

6 қ X - - - - - X
 X I I I I I I I I I I X 5 қ
 4 қ X - - - - - X
 X I I I I I I I I I I X 3 қ
 2 қ X - - - - - X
 X I I I I I I I I I I X 1 қ

Резинка 1х1. 30 та петля.

1-қаторда 1та петля ип олдинди.


1та петля ип орқада тўқилади.

Қолган қаторлар чокига қараб тўқилади.

X I - I - I - I - I - I - I - I - I X
X I - I - I - I - I - I - I - I - I X
X I - I - I - I - I - I - I - I - I X
X I - I - I - I - I - I - I - I - I X

2. Болалар шапкасани тўқиш.


Бу шапкани тўқиш учун 100 гр ип керак бўлади. Спицага 80 та петля олинади. 1х1 резинка 4-қатор тўқилади. Кейин шапкага мос чок танлаб 15 см тўқилади. Кейин шапканинг тепа қисми қисқартирилиб ипга териб тортилади. Шапкани улаб безатилади. Безатиш учун пампон ясалади.



3. Шарф тўқиш.

Петлялар сони 50та. Шарф тўқиш учун 200 гр ип керак. Шарфни 1х1 резинкада ёки “английский” резинкада тўқиш мумкин.


花样编织



130 см бўлгач безатилади. Бу буюмларни ўқувчилар крйочокда (илгак) ҳам тўқишлари мумкин.

4. Пинетка тўқиш.

Пинетка учун 58 та петля олинади. 14 қатор рўмол чокда тўқилади. Кейин пайпоқнинг учи чиқарилади. Бунинг учун 58 та петля бўлиб олинади. 25 тадан петля 2 та четига ўртасига 8 та петля ва 2 та ёнида 16 тадан петля қолгунча тўқиб қисқартирилади. Керакли петлялар сони қолгач тепа қисми резинка 1х1 да тўқилади ва уланади. Тайёр пайпоқ безатилади.



Тўғарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати: Жун иплар, турли тўқув иплари (акриль, маҳер, ирис), крючок (турли хажмдаги), спица (турли хажмдаги), сантиметр лента, игна (№ 5), чизгич (миллиметровка), крахмал, дока (дазмоллаш учун)

“Мунчоқли безак” тўгараги

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири бадий мунчоқ тикишдир. Бадий мунчоқ тикиш иш анжомларига; игна турлари, турли рангдаги иплар, матолар, елим, пистон, турли мунчоқлар, дурлар, қайчи, қалам, нақш чизиш учун қоғоз, бўр ёки совун бўлаклари ҳақида маълумот берилади.

Мунчоқларда зираклар, билакузуклар тўқиш, турли тақинчоқлар яшаш мумкин. Бу тўғаракка қатнашадиган болалар бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар, сабр ва тоқат, гўзаллик яратишга бўлган қизиқишлари ортиб боради. Бадий мунчоқ тикиш, унинг тарихи, ҳозирги кундаги ўрни ҳақида маълумотлар, турли керакли анжомлар ва уларни ишлатиш қоидаларини ўрганадилар.

“Мунчоқли безак” тўгарагининг ўқув режаси

№	Машғулотлар мавзуси	Амалий	Назарий	Жами
1.	Мунчоқ турлари		1	1
2.	Ромашка гули яшаш	2	1	3
3.	Шотут дарахти яшаш	6	2	8
Жами		8	4	12

1. Мунчоқ турлари.

Мунчоқлар ҳар хил кўринишда бўлади: Мунчоқлар (бисер)-бўялган, металл, пластмассадан иборат бўлади. Улар ҳар хил формали, думалоқ ва тўртбурчак шаклида бўлади. Стеклярус-шишадан бўлиб, цилиндр шаклида бўлади.

Қимматбаҳо тошлар ва сунъий тошлар. Бундай мунчоқлардан кўйлақларга, сумкаларга, ҳаттоки деворга илинадиган панноларга ҳам шу мунчоқлардан ҳар хил безак бериб тикиш мумкин.

Пистон турлари. Пистон ҳам мунчоқлар каби ҳар хил бўлади. Думалоқ, овал, тўртбурчак шаклида, гул, барг, юлдузча ва шунга ўхшаш турлари бор. Улардан бадий безак бериш учун фойдаланилади. Аёлларнинг окшом куйлақларини, тўй либосларини безашда, сумка, ҳамён тикканда пистон билан безак бериш мумкин.



2. Ромашка гули ясаш.

Ромашка гули тўқиш схема асосида ўргатилади. Керакли мунчоқлар 2 хил мунчоқ сариқ оқ сим алебастр.



Сим 4 га бўлинган ҳолда барг ярим метр симга тўқилади ва танасига қалин сим тўқилади. Яшил ип билан танаси ўралади. Япроғи 9 та тўқилади. Мунчоқлар бир-бирига уланиб тўқилади. Барг тўқилганда 1 та ромашка танасига 3 тадан новда қўйилади.

3. Шотут дарахти ясаш.

Шотут дарахтини тўқишда схемалар асосида ўргатилади.

Керакли мунчоқлар: Қизил мунчоқ сим яшил барг алебастр 1 метр симга мунчоқ биттадан ўтказиб 3 та тўқилади ва бураб чиқилади. 3 таси бирлаштирилиб думалоқ шаклига келтирилади. Барг тўқилиши ярим метр симга 8 та барг тўқилади. Шотут дарахти учун 40 та барг тўқилади.



Тўгарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати:

Тикув иплари, мунчоқ, игна (турли ўлчамда), леска, тесмалар (касой бека), безак тошчалар, симлар (многожирный), симлар (алюмин), турли катталиқдаги ва рангдаги қиррали бисер мунчоқлари, дурлар, ҳар хил рангдаги ва фигурадаги тошлар (кўзлар), алебастр, флизерен, оқ суруп мато, селон мато, елим (бисер пистолети учун), резинка, булавка, фольго қоғоз, ўчирғич, думалоқ гардиш, қорақалам.



“Ўзбек халқ рақслари” тўғараги

“Фольклор халқ рақслари” тўғарагини оромгоҳларда ташкил этиш учун “Баркамол авлод” болалар марказлардаги “Фольклор халқ рақслари” тўғараги раҳбарлари, истеъдодли тўғарак аъзоларини жалб қилиши мумкин. Тўғарак машғулотларини ўтказиш учун ёпиқ ёки очик зал керак бўлади. Ўқув-машқ ишларида даста раҳбари рақсларнинг 7 та ҳолатидан келиб чиқиб, болаларнинг ёшига мос рақсларни саҳналаштиради.

Фольклорда халқ оғзаки кўшиқлар, ялла ва лапарлар, мақол ва маталлар, айтишувлар, эртақлардаги қаҳрамонларнинг яхши хислатларини ўрганишни, улардаги ақл-заковат, орзу-хавасларидан ибрат олиб, қалбларда меҳр-муҳаббатни уйғотишдан иборат.

Оромгоҳларда фольклор ва рақс дасталарини яккахон ҳамда иқтидорли болалар билан жонли ижро кечаларини уюштириш мумкин.

“Ўзбек халқ рақслари” тўғарагининг ўқув режаси.

№	Машғулотлар мавзуси	Амалий соатлар	Назарий соатлар	Жами соатлар
1.	Кириш: Рақснинг 7 ҳолати	3		3
2.	Андижон полкаси	3		3
3.	“Уч патир” Хоразмча рақс	3		3
4.	Сурхонча рақс	3		3
Жами		12		12

1. Кириш: Рақснинг 7 ҳолати


Рақсларни саҳналаштириш тўғарак раҳбарининг ижодий маҳоратига боғлиқдир. Даста раҳбарининг 7 ҳолатидан келиб чиқиб, болаларнинг ёшига мос рақсларни саҳналаштиради. Бу борада мусиқа асосий ўрин тутди. Мусиқа қанча жонли, ҳаракатчан бўлса, у албатта, мақсадга мувофиқ бўлади. 6 ёшли болалар учун асосан оддий рақслар саҳналаштирилади.



1-ҳолат



2-ҳолат



3-ҳолат




4-ҳолат



5-ҳолат



6-ҳолат



7-ҳолат



2. Андижон полкаси.

Ўқувчиларнинг рақс ижрочилик маҳоратини бир маромда яхши ривожлантиришлари учун тўғарак раҳбари уларнинг имкониятларига қараб керакли топшириқлар бериб бориши лозим.

Бу топшириқларининг бажарилишини тўғарак раҳбари ҳар бир дарс машғулотлари мобайнида назорат қилиб туриши мақсадга мувофиқдир.



Шунинг билан бирга Андижон полкаси рақсини ижро этиш усуллари ўргатилади.

3. “Уч патир” Хоразмча рақс.

Хоразмда асосан халфачилик йўналишидаги ижро йўллари кенг тарқалган. “Уч патир” кўшиғи рақси Хоразм ижро йўлида ижро этиладиган рақслардан биридир.



Қўшиқ матни, қўшиқдаги ўз шевасига хос сўзлар ўрни ва уларнинг ишлатилиши, аудио тасма орқали ўқувчиларга эшиттириб, қўшиқ матни ёздириш ва сахналаштириш орқали ўқувчиларнинг билим ва малакаларини шакллантириш зарур.

Бу Хоразм болалар фольклор қўшиқларини ижро этиш ва унга хос бўлган рақсларни ижро этиш орқали амалга оширилади.

4. Сурхонча рақс.

Сурхон рақсига хос ҳаракатлардан ташкил топган эркаклар ва аёллар рақслари ҳам алоҳида эътиборни тортади. Бойсун рақслари айниқса кенг тарқалган. Айниқса “Қайроқ ўйини” каби аёллар рақслари ўзининг жозибаси билан диққатни жалб этади. “Сарбозча”, “Қилич ўйини” каби эркаклар рақслари ўзининг жанговар хусусияти билан ажралиб туради.

Тўғарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати: Диск DVD, Диск CD, турли хил мусиқа ва қўшиқлар тўплами, ручка, дафтар, дўппи, кийимлар (машғулот ва концерт кийимлари), тапочка (чешкалар), юбкалар, кофталар, рақс безаклари.

“Ёш мусаввир” тўғарагининг ўқув режаси

№	Машғулотлар мавзуси	Амалий соатлар	Назарий соатлар	Жами соатлар
1.	Қоғоздан қуш яшаш ва уни ранглар билан безаш	2	1	3
2.	Олма шаклини чизиш ва ранглардан фойдаланиш усуллари	1	2	3
3.	Ҳар ким эркин мавзу асосида расмларни қора қаламда чизиш, бўяш ва ўчириш (Ким тез ва тўқ бўйяйди асосида)	2	1	3
4.	Энг ширин узум қайси ва уни шаклини чизиш ва бўяш усуллари	2	1	3
Жами		8	4	12




1. Қоғоздан қуш ясаш ва уни ранглар билан безаш.

Тўғарак аъзоларига қоғоздан ўзлари танлаган қушларнинг нусхасини ясашни ўргатиш. Қоғоздан ясалган қушни шаклига қараб ранглар билан безаш орқали ранг танлашни, рангларни ажрата олишни мукаммаллаштириш.

2. Олма шаклини чизиш ва қандай ранглардан фойдаланиш усуллари.

Олманинг хили ва шаклини тушунтириш. Рангларни танлаш усулларини ўргатиш. Мазкур чизмалар асосида олма расмини ишлаш.



3. Қора қаламда чизиш, бўяш ва ўчириш. (ким тез ва тўқ бўяйди ўйини асосида)

Қора қалам асосида ёруғликни тасаввур қилиш ва уни акс эттириш, ўз соясига қараб ишлаш.

4. Энг ширин узум қайси ва уни шаклини чизиш ва бўяш усуллари.

Хусайни узуми, киш-миш, ризмат, чарос, тоифа, чиллаки узумларининг шакли ва рангларини ажрата билиш ва ранглаш. Ўқувчилар ва таниқли рассомлар томонидан ишланган расмларни намойиш этиш. Кузги сабзавот ва мевалардан иборат қўйилма (натюрморт) асосида савол-



жавоблар ўтказиш. Натурани ўзига қараб расмини чизиш ва бўяш. Илик ва совуқ ранг тусларининг ўзига хос боғлиқликларидан самарали фойдаланиш.

Қўйилмани қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш ҳақида назари ва амалий тушунчалар бериш. Натурани қоғознинг тўрт томонига (юқори, паст, ўнг, чап) ва композиция марказига кўра тўғри жойлаштириш.

Тўғарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати: Акварель мўйқаламлари № 1-10, акварель бўёқлари мой бўёқлар, эритгич, № 4 пинен, лак (қопловчи, акрел, писта), қоғоз (А3 формат), қоғоз (А4 формат), ватмон 860х600 mm, қора қалам, рангли қалам (24 рангли), елим (блестящий), ўчирғич, чизгич, гуаш бўёқлари (24 хил).

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғараги

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарак машғулотларида ёш болаларни ўйинчоқлар дунёси билан таништириш, уларни ўйинчоқлар намуналарини яратишга одатлантириш, меҳнат кўникмаларини бериш, мустақил меҳнат қилишга ўргатиш, ўйинчоқларни тўғри ясаш, ранглар ва материалларни тўғри танлаш ва болаларни ижодкорлигини оширишга катта эътибор қаратиш лозим. Машғулотга турли рангдаги ленталар, матолар, қийқимлар, игна-ип, қайчи, қалам, елим, рангли қоғозлар керак бўлади.

Тўғарак машғулотлари жараёнида болаларнинг ижодий дунёқарашини бойитишга, хом-ашёлар, рангларни тўғри танлай олишга ўргатиш, болаларни ижодкорлигини ошириш ва болаларга ўзбек халқ эртақларида илгари сурилган миллатга хос бўлган ижобий хислатларни сингдиришдан иборатдир.

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарагининг ўқув режаси

Т/р	Машғулотлар мавзуси	Назарий	Амалий	Жами
1	Газлама танлаш ва андоза ёрдамида чизиб, тикиш.	1	2	3
2	Кучукча ўйинчоғини ясаш.	1	2	3
3	Ўрдакча ўйинчоғини ясаш ва тикиш	1	2	3
4	Ўйинчоқларни пардозлаш ва безак бериш	1	2	3
Жами:		4	8	12

1. Газлама танлаш ва андоза ёрдамида чизиб, тикиш.

Юмшоқ ўйинчоқларни тикишда ҳар бир ўйинчоқ турига қараб мато танланади. Кейин андоза ёрдамида ўйинчоқ шакли чизилади ва андоза асосида тикилади.

Тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига ҳар хил газламаларнинг тавсифи, толавий таркиби, бу газламадан қандай буюм тикиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради.

Акрил – синтетик тола, енгил, юмшоқ, алоҳида эътиборни талаб қилмайди, берилган шаклни яхши сақлайди.

Алак – юпқа зич тўқилган ипак газлама бўлиб, асоси ялтирамайди. Ўнгидаги гуллар, ҳар хил геометрик шаклларда ялтироқ бўлади.

Духобанинг асоси табиий ёки кимёвий толадан тўқилиб, ўнги 1-2 мм ли туклардан иборат бўлади.

Пахмоқ – бир томонида туки бўлиб, саржа ва полотно ўрилишида тўқилган ип газлама. Жуда юмшоқ, майин, иссиқни яхши сақлайди. Пахмоқ гули, сидирға, оқартирилган бўлиб, ундан момик ўйинчоқлар ясалади.

Ватин бир ёки икки томони таралган ип, жун, яримжун газлама бўлиб, ясалган ўйинчоқларни шаклга келтириш, ўйинчоқнинг ичини тўлдириш учун ишлатилади.

2. Кучукча ўйинчоғини яшаш.

Дастлаб кучукчанинг расми чизиб олинади. Кейин ясалаётган ўйинчоқ турига қараб газлама танланади. Кучукчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмлари андоза асосида тайёрланади.

Қоғоз картонга кучукча расми чизилиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли оқ ва чипор пахмоқ матодан бўйи 40 см катталиқда кучукчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз, бурун, оғизлари ўрнатилади. Шу тариқа кучукча ўйинчоғи тайёрланади.





3. Ўрдакча ўйинчоғини яшаш.

Биринчи бўлиб ўрдакчанинг расмини чизиб олиш лозим. Чизмага асосан газлама танланади. Чизма ёрдамида ўрдакчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмлари андозаси тайёрланади.

Икки хил рангли матодан, яъни сариқ ва қизил ёки қора ва оқ рангли матодан бўйи 30 см катталиқда ўрдакчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмлари бичиб олинади ва улар алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз ва тумшуғи ўрнатилади. Шу тариқа ўрдакча ўйинчоғи тайёр.



4. Ўйинчоқларни пардозлаш ва безаш.

Пардозлаш ва безашда фойдаланиладиган жиҳоз ва безаклар. Пардозлаш ишлари ўйинчоқлар тайёр бўлгандан сўнг амалга оширилади. Ўйинчоқларни ортиқча иплардан тозалаб, мўйналарни авайлаб тараб чиқиш ва ҳақозолар пардозлаш ишларига киради.

Тикилган ўйинчоқларни кўринишларини бойитиш учун безак ишлари берилади. Ҳар хил юмшоқ ўйинчоқларни безаш учун мос келган жойларига мунчоқ ва ялтироқ тангачалар, пўкакчалардан безак берилади. Баъзи ўйинчоқларга қўнғироқчалар осиб мумкин. Ўйинчоқларнинг кийимларига ранглари уйғунлаштириб танланган чиройли материаллардан гуллар қирқиб аппликациялар тикиб чиқиш, лента тасмалардан галстукчалар ва гулли безаклар тикилади.

Тўғарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати: Ангишвона, игна (турли ўлчамда), картон А-3х2 мм, бўр, тикув



иплари, пахта, турли хилдаги матолар, сантиметр лента, чизгич (миллиметровка), турли хажмдаги тугмачалар, қора қалам, синтефон .

“Инглиз тили” тўғарагининг ўқув режаси

Т/р	Машғулотлар мавзуси	Назарий	Амалий	Жами
1.	Question-answer	1	2	3
2.	My family	1	2	3
3.	Jobs	1	2	3
4.	At school	1	2	3
Жами		4	8	12

1. Question-answer – Савол - жавоб

Дарс бошлаш учун барча сўроқ саволларини эслаб кўрамиз. Ўзбек тилида сўроқ саволлари: Бу нима? У ким?.

Инглиз тилида бирор предметнинг номини билмоқчи бўлсангиз - What is it?

What is this?- бу нима? This is a doll
–Бу кўғирчоқ

Бирор предметнинг номини билмоқчи бўлсангиз, “What is it?” ёки қисқа қилиб “Whats this?” деб савол беришингиз керак. Бу саволга жавоб гапнинг охиридаги “This is”дан бошланади ва предметнинг номи айтилади. “is”ўзбек тилида “дир” деб таржима қилинади.

“Бу кўғирчоқдир” каби. Лекин жавоб содда ва осон бўлиши учун биз “дир” ни айтмаймиз ва “Бу кўғирчоқ” деб жавоб берамиз,



What is this?-Бу нима?

This is a bus.-Бу автобус



What is it?-Бу нима?

This is a calf.- Бу бузоқ.



Сўзлашувда “What is it?” қисқа қилиб “What’s it?” шаклида ишлатилади.

2. **My family** - Менинг оилам. Оила мавзусини ўтишдан олдин инглиз тилида оила аъзолари билан танишиб оламиз.



Father- ота.



Mother-она



Grandfather-бува.



Grandmother-буви.



Brother-ака.



Sister-сингил.



Who is this? - бу ким? This is Бу...

“Who is this?” жонли предметларга (одамлар) нисбатан ишлатилади. “What is this?” эса жонсиз предметларга нисбатан ишлатилади. Бу икки саволга жавоб бир хил – “This is...”

This is my sister and that is Aziza’s brother.- Бу менинг синглим, анави эса Азизанинг акаси



Is this a girl or a boy? Бу қиз болами ёки ўғил болами? This is a girl. Бу қиз бола



Who is this? Бу ким?

This is a boy. Бу ўғил бола.

Янги сўзларни ёдланг:

Child - бола

daughter - қиз

Children - болалар

son - ўғил

Friend - дўст

to like - ёқади

Very much - жуда

too - ҳам

3. Jobs-Касблар.

Дарс бошида болаларга барча касблар ҳақида маълумот берилади ва ўзбек-инглиз тилидаги таржималари билан таништириб чиқилади. Касблар билан танишиб чиқишгач болажонлар қайси касб эгаси бўлишини хоҳлашлари ҳақида пантомимо ўйини орқали тушунтириб беришади.

Масалан: Ошпаз - болалар ошпазнинг хатти ҳаракатларини ишоралар орқали тасвирлайдилар бошқа болалар эса уни топишга ҳаракат қилишади. Ким топса ўша бола ўйинни давом эттиради.

Fireman-ўт ўчирувчи



Military man - ҳарбий



Teacher - ўқитувчи



Driver - ҳайдовчи



Painter - rassom



Машғулоти сўнгида мавзу юзасидан гаплар тузиб дарс мустаҳкамланади.

What does your mother do? - Сенинг онанг ким бўлиб ишлайди?

She is a cook.- У ошпаз

What does your brother do? - Сенинг аканг ким бўлиб ишлайди?

He is a spaceman. - У фазогир.

What does your father do? - Сенинг dadанг ким бўлиб ишлайди?



He is a teacher.-У ўқитувчи.

What would you like to be? - I would like to be a military.

Сен ким бўлишни хоҳлайсан? - Мен ҳарбий бўлишни хоҳлайман.

What would you like to be?- I would like to be a doctor.

Сен ким бўлишни хоҳлайсан?-Мен доктор бўлишни хоҳлайман.

Would you like to be an artist?-Сен артист бўлишни хоҳлайсанми?

Would you like to be a teacher? - Сен ўқитувчи бўлишни хоҳлайсанми?

4. At school - Мактабда

Мактаб мавзусини бошлаш учун аввал мактаб учун керакли бўладиган ўқув-қуроллар билан таништирилади. Масалан:



Teacher-ўқитувчи



School bag-портфел



Desk-парта



Blackboard-доска

Сўзлар асосида гап тузиш:

I take a... to school.- Мен мактабга олиб бораман.

Olim takes a pencil to school. - Олим мактабга нималар олиб боришини айтинг.



“Yes” “no” жавобларидан фойдаланиб саволларга жавоб бер.

- Do you take a pen to school?
- Сен мактабга ручка олиб борасанми?
- Do you take a doll to school?
- Сен мактабга кўғирчоқ олиб борасанми?
- Do you take a pencils to school?
- Сен мактабга қаламлар олиб борасанми?
- Do you take an arm-chair to school?
- Сен мактабга кресло олиб борасанми?
- Aziza has got a ruler in her school bag.
- Азизанинг портфелида чизғич бор.
- I have got a ruler in my school bag, too.
- Менинг портфелимда ҳам чизғич бор.
- Aziza has got a pen in her school bag.
- Aziza has got a ball in her school bag.
- Aziza has got a book in her school bag.
- Aziza has got a pencil in her school bag.

Тўғарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати:

Чизғич, қора қалам, ўчирғич, қоғоз (А-4 формат), ватман қоғоз 860x600 mm, маркер бўёқлари, бўр, скоч, дафтар.

“Майда пластика” тўгараги

“Майда пластика” тўгараги ўқувчиларни лой ва пластилидан ўйинчоқлар яшаш, расм чизишга ўргатади. Лойдан турли буюмлар, ҳайкалчапар яшаш жараёнида ўқувчиларда меҳнат, кўникма ва малакалари, иш ўрнини озода ва тартибли сақлаш, айланадиган доирали дастгоҳдан фойдаланиш одатлари ҳамда предметнинг ҳамма томонига ишлов бериш зарурлиги ҳақида тушунча ҳосил бўлади. Бунинг натижасида ўқувчилар идиш ва бошқа сопол буюмлар яшаш усуллари билиб оладилар, бу эса уларнинг теварак атрофдаги нарсалар тўғрисидаги тасавурларини кенгайтиради.

Ўқувчилар онгига кўриб идрок этиш, хотирани ривожлантириш, қўл меҳнати кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, ўйинчоқлар яшаш, тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари сингари эстетик дидни шакллантириш, гўзалликни ҳис қилишни ўргатади. Бундан ташқари лой ва пластилидан турли ўйинчоқлар яшаш орқали ўқувчи ёшлар онгига кўриб идрок этиш, хотирани ривожлантириш, қўл меҳнатини ҳосил қилиш, тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари сингари, эстетик



дидни шакллантириш ҳамда гўзалликни ҳис қилишни шакллантиради.

“Майда пластика” тўғарагининг ўқув режаси

Тўр	Машғулотлар мавзуси	Назарий	Амалий	Жами
1.	Майда пластика ҳақида тушунча, ишлатиладиган асбоб-ускунлар.	1		1
2.	Лой ва пластилидан ўйинчоқлар, рўзғор буюмларини яшаш усуллари ва уларни яшаш	1	3	4
3.	“Она айиқ боласи билан” мавзусида ўйинчоқ яшаш	1	3	4
4.	Кичик ҳажмдаги ҳайкалчапар яшаш	1	2	3
Жами		4	8	12

1. Майда пластика тўғарагида ишлатиладиган асбоб-ускуналар.

Майда пластика тўғарагида ишлатиладиган асбоб-ускуналар. Айланма дастгоҳ. Лойга ишлов берадиган ёғоч ва металл қаламчалар. Пичоқлар. Муфел печлари. Лойдан тайёрланган буюмларни бўяшда ишлатиладиган бўёқлар. Эритгичлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари.

2. Лой ва пластилидан ўйинчоқлар, рўзғор буюмлари яшаш усуллари.

Лой ва пластилидан ўйинчоқлар, рўзғор буюмлари яшаш усуллари. Лой ва пластилидан ўйинчоқлар, рўзғор буюмлари яшаш машғулотида асосий мақсад-ўқувчилар ижодкорлигини ривожлантириш, уларда тасвирий ҳамда техник кўникмалар ҳосил қилиб, мазкур фаолият турига қизиқиш уйғотишдан иборат.

Предметни идрок этиш асосида ўқувчилар онгида образ шаклланади. У буюмларни яшашда ўзининг реал воқеликдан олган билимларига суянади ва расм чизишдаги ёки аппликациялар яшашдаги каби предметнинг бир томони эмас, балки барча томонини акс эттиради, чунки унга энди тасвирий фаолиятнинг бошқа турида зарур бўладиган шартли ифодалаш усулидан фойдаланишга тўғри келади.



Бундан ташқари, лой ва пластилиндан буюмлар яшаш, расм чизиш аппликация ишлашга қараганда икки қўл билан силаб, табиий сезишни кўпроқ ривожлантиради ва такомиллаштиради. Қўлларнинг актив ҳаракати эса формани аниқроқ чиқаришга олиб келади. Шу туфайли ўқувчилар тасвирлаш усуллари тизроқ ўзлаштириб оладилар.

3. “Она айиқ боласи билан” мавзусида ўйинчоқ яшаш.

“Она айиқ боласи билан” мавзусида ўйинчоқни тайёрлаш босқичлари. Ўқувчилар ҳайвонот боғида кўрганлари асосида “Она айиқ болалари билан” мавзусида композицион асар яратадилар. Ўқувчилар биринчи навбатда лойдан айиқни, кейин иккита боласини яратадилар. Она айиқ болаларини меҳр билан ялаб турган тасвири ёки уларни оғзида тишлаб олиб юрган ҳолатларини ҳам тасвирлаш мумкин.

Барча ясалган буюмлар битта таглик (текисликка) жойланади. Сўнгра муфел печида қуритилади. Кейин ҳар бир композицион асарда қатнашувчи шакллар (айиқ, унинг болалари) ўзларига мос рангларда ангоб бўёғи билан бўялади. Шакллар бўялгач яна муфел печида қуритилади.



4. Кичик ҳажмдаги ҳайкалчалар .

Кичик ҳажмдаги ҳайкалчалар. Ҳайкаллар ўқувчиларга композицияни ўрганиш учун катта имконият очиб беради. Кўп фигурали композицияларни қараб чиқишда ўқувчиларга предметлар орасида ўзаро боғланиш мавжудлиги тўғрисида сўзлаб борилади. Ўқувчиларни ҳайкалтарошлик билан таништиришда аввал



хайкалтарошлик тўғрисидаги ўз билимларини кенгайтиришлари (кўргазмаларга, музейларга боришлари, тегишли адабиётларни ўқишлари) ўқув хонасига кичик ҳайкалчалар ва халқ пластикаси намуналарини келтиришлари лозим.

Ўқувчиларни кичик ҳайкаллар ва халқ пластикаси билан таништиришни ҳар хил материаллардан ясалган ҳайкаллар кулолчилик буюмларини яшаш истагини туғдириш лозим. Бунда асосан ўқувчилар кўрган кулолчилик буюмлари, ҳайкалларни ақлан идрок этади ва уларни айнан ўзини фақат кичик хажимда лой ёки пластилиндан яшашлари мумкун. Лой ҳақида тушунчалар берилади.



Тўгарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати:

Пластилин, елим ПВА, елим КМЦ, лок буёғи, гуаш бўёқлари (24 хил), қолиплар (пластмасса), қуруқ бўёқлар, чизгич, турли хажмдаги кистлар.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Тошкент. Маънавият, 2008.
 2. И.А.Каримов. “Баркамол авлод орзуси”. Тошкент. Шарқ, 1999.
 3. Миллий халқ ўйинлари. Тошкент. 2009.
 4. Ҳ.Эгамов. Қаламтасвир, рангтасвир ва композиция тўғаракларининг дастури. Тошкент. 2006.
 5. Набиев М. Азимова Б. Расм чизишга ўргатиш методикаси. Тошкент. Ўқитувчи 1996.
 6. Уй-рўзғор буюмлари энциклопедияси. Тошкент. 1997.
 7. Тўқишни ўрганамиз. Тошкент. 1995.
 8. А.Краузе. Илмоқда тўқиш. Тошкент.1988.
 9. Цветы из бисера. Л.Г.Куликова, Л.Ю.Короткова. 2005
 10. Мақом ансамбли. Тузувчи О.Иброҳимов. Тошкент. 1993.
(Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғарак раҳбари учун дастур)
 11. Каримова. Р. “Ўзбек миллий рақс” китоби. Тошкент. 1996.
 12. “Хореография тўғараги учун дастур” – Богалюбская. Москва 1997.
 13. Ботиров.Й. Мактабдан ташқари муассасалар учун ашула ва рақс тўғарак дастури. Тошкент. 2004.
 14. Ўқувчиларни тарбиялашда миллий халқ ўйинларининг ўрни. Тошкент. 2009.
 15. Ёз-2012 услубий қўлланма. Тошкент. 2012.
 16. Инглиз тили (кичкинтойлар учун). Тошкент. 2012.
- Электрон манбалар:**
17. “Ziynet”.uz
 15. Barkamol.uz

Мундарижа

1. Кириш	3
2. Оромгоҳларда гуруҳларни номлаш	4
3. Оромгоҳларда гуруҳлар учун шиорлар.....	4
4. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказиш тавсия этилаётган маънавий-марифий тадбирлар режаси ва ташкил этиш тартиби	5
5. Оромгоҳларда бадиий ижодиёт йўналишида тўгаракларни ташкил этиш	28
6. Фойдаланилган адабиётлар	53





